

АЪЗАМ ОБИДОВ

**ЙЎЛИМНИ  
ПОЙЛАЙДИ МЎЪЖИЗА**  
*Шеърлар*

ТОШКЕНТ  
«ҚАТОРТОЛ-КАМОЛОТ»  
2000

*Мен яшарман, бокирам Ватан,  
Рух-ла сени севмоқлик учун!*

*Иқтидорли ёш шоир Аъзам Обидовнинг бу қалб сатрлари юракларимизга ҳамоҳанг. Эл-юрт муҳаббатини, ҳаёт қувончини ва ташвишлари, ишқ-вафо изтироблари тўпلامнинг мундарижасини белгилайди.*

*Муаллиф ушбу китобни чиқаришда ўз ёрдамини аямаган "ДЭУ Юнител" компанияси бош директори Ёнг Санг Хан ҳамда директор Жун Чой жанобларига чуқур миннатдорчилик изҳор қилади.*

ISBN 5-633-01135-X

© «Қаторгол-Камолот» - 2000

## ЮРАГИМНИ ЧАЙИБ ОЛСАМ

Тўхта! Дилни оқ сувга чайгил,  
Поклаб олгин бошда фикрни.  
Ортда қолди ғашликлар ҳар хил,  
Сен ҳам унут икир-чикирни.

Унут! Токи кўнгил боғ бўлиб,  
Оппоқ гуллар тугсин таманно.  
Этмагунча нафсингни мағлуб,  
Бир юмушга қўл урма асло!

## ТАШРИФ

Бир куни иккимиз кетамиз, эркам,  
Ёлғизлик домига тушар масофа.  
Узоқ эслолмагай тўзонли йўлка,  
Баҳордай очилиб кетса қиёфа.

Балки онам мени соғиниб қолар,  
Отам бежавотир яшолмасдир ё.  
Ахир ҳаммасига улгургим келар,  
Фақат ҳеч бирига қилмайин парво!

Дилга яқинлашар о Сизнинг ташриф, —  
Фазони қўмсаган қирмизи хазон.  
Оёғимга аста боғланар машриқ,  
Қулоғимга ишқдан айтилар азон.

Бир куни иккимиз кетамиз, эркам,  
Бас, қиё боқмаймиз ортга қайрилиб.  
Сиз менга, мен Сизга кўнглимни берсам,  
Боридан айрилиб-айрилиб...

## СИР БЎЛИБ

Сир бўлиб илкинга қайтаман, осмон,  
Сизда ҳаққим қолар, нурлар, япроқлар.  
Ўзимга яшаш-чун бермадим имкон,  
Ўтмасман андуҳкаш дилни ардоқлаб.

Қароқ инжиқлигин бошлайди қайта,  
Ёмғирларда қолган кузакни эслаб.  
Азизим, биз ахир эмасмиз майда,  
Кўнгилдан бемалол чиқамиз қишлаб!

Илкинга сир бўлиб қайтаман, осмон,  
Нигоҳим пойингда сўнар, жаҳоним.  
Ўзимга яшаш-чун бермадим имкон,  
Сени севмоққа ҳам йўқ ҳеч баҳонам!

## ҚИЁМАТ КЎНГЛИНГГА ЕТИШМИШ

Ўлим – бу янгилик эмас умрдай,  
Кўнглингни ёзгали қабрга борсанг.  
Айбингни қидириб қолсанг томирдан,  
Қонингни булғатиб сўргувчи морсан.

Ўзинг ўзлигинга келган айбдор,  
Қўйнингни хирмонга тўлдирмас бақо.  
Ёлғиз қувнамоққа энди уйинг тор,  
Онгсиз ўйламоққа қолди ҳеч вақо!

Кутасан, умрингга қўшилар умр,  
Ўлим – бу янгилик эмас сабрдай.  
Ёрдам беролмайди бир кимса, ахир  
Чиқиб келаверар айбинг қабрдан.

Қиёмат кўнглингга етишмиш, ё раб,  
Ҳаётинг рақсида бегона сози.  
Кошки ўтолсайдинг энг сўнги бора  
Изингдан,  
кўзингдан,  
ўзингдан рози!

## ЮРТ

Сени бор дунёдан айро кўрмадим,  
Ёрқин мақтовга ҳам қилмасман тоқат.  
Балки заминдирсан бебаҳо, қадим,  
Балки само суйган азамат ҳилқат.

Гап фақат шундами, ахир саодат  
Қучса бўлаверар ўзга элда ҳам.  
Ё илиқ жонингга етса жароҳат,  
Топилур беғараз қўйилур малҳам.

Балки сендалигим бахтдир бир тугал,  
Қувончим ҳам балки ғашликдан бисёр.  
Фақат кўнгилдан бир кулишдан аввал  
Ўзни қайғу учун сезаман айбдор.

Сени бор дунёдан кўрмасман айро,  
Дил ҳам бир ўлкага боғланган жонмас!  
Фақат шул сўровим: кенгликлар аро  
Нега бутун олам Ўзбекистонмас?!

## СЕЗГУМ, КЎНГЛИМ ЎРНИДА ЖУРЪАТ

Мен яна бир кунни ўтказдим,  
Эртамага ҳам тирмашгайдир вақт  
Балки ютдим, ёхуд ютқаздим  
Умримни кўп қизғондим фақат.

Минг шижоат ва бир ўт қани,  
Суякнинг бўш қотгани надир?  
Ахир шунча яшаб уққанам –  
Неки битта берилса – ҚАДР !

Сезгум, кўнглим ўрнида ЖУРЪАТ,  
Етар, ортга судрама, ЭСКИМ  
Энди алдаб кетолмас фурсат  
Ва бўлмасман умримга кескич!

## КУНЛАР

Кенг дунёда кунларинг эрмак,  
Қадамларинг тўғрими - хато.  
Ўз-ўзингга ҳисобот бермай  
Яшамоқдан асрасин Худо.

Гоҳ тангликдан келади кулги,  
Гоҳ тошқиндай туғилар гоҳ.  
Ўзингни бир яхшилаб силкиб,  
Мағрурликдан этсанг ҳимоя.

Гўё энди барчаси текис ,  
Руҳингда оққушлар бир талай.  
Воҳ, кечани бой бердим беиз,  
Тўхтаг, бугун уйғониб олай !

## КЕТ КЎЗИМДАН

Кет, кўзимдан йўқол ялқовлик,  
Шижоатнинг қошига борай !  
Ким ўзига қилмади ёвлик,  
Ким юзини этмади қора ?

Вақт кулади, кетаман дайдиб,  
Учиб кетар қадим кирган тус. —  
Мен ўзимдан кетиб сарғайдим,  
Қулоғимдан тортиб қўйгин, Куз.

## БИР ҚУШ БОР...

Мен бир қушга ўхшар эмишман,  
Мослик топиб ҳар йил фаслига.  
Ўзимни ҳам танийман қисман,  
Энди қанот чиққан, аслида

Лекин мени ўхшатманг, ҳайҳот,  
Қуруқ номга мадҳия айтиб, —  
Шундай қуш бор: этсанг-да озод  
Учиб кирар қафасга қайтиб

Мени ўша қушга ўхшатманг !

## БАЛКИ ЧУМОЛИДАЙ...

О, Фарҳод эди-ку азамат ўғлон,  
Авлодлар ҳолига боқмайди нечун?  
Унинг олдида биз чумолисимон,  
Белларда қувват йўқ, қўллар-чи – ўтин.

Асрлар ўтади олиб куч-дармон,  
Одамлар тобора кичрая бошлар.  
Балки чумолидай бир кун ортиб дон  
Япроқлар ортидан мўралар ёшлар.

Алпомиш, садо бер, чиқмасми унинг,  
Наҳот Бойсаридай бўлса бағринг тош.  
Ёдгорни авайла, асрагил уни,  
Тирилиб келмоқда ахир, Кўкалдош!



## БОКИРА ТУШЛАР

Ҳар кеч кипригимга илашар юлдуз,  
Қошларим ортидан Ой чиқар дилхун.  
Қалбим дарбозасин чертибон, маъюс,  
Ишқли қароғимга меҳмон бўлар Тун.

Ҳар кеч, кечолмасман, кўксимни эзиб,  
Самога тортқилар покиза қушлар.  
Сиз йўқсиз, ўзимиз учолмасмиз деб,  
Тўлғониб чиқади бокира тушлар.

## ОЗОР НАДИР

Озор нима, бўлурмиз зор-зор,  
Фироқ надир, йироқ-йироқ йўл.  
Бу дунёга келурмиз тор-мор,  
Кетажакмиз севгига мўл-кўл.

Оҳ орқали топурсиз паноҳ,  
Юрак зил-зил, сохта хандалар.  
Бу шундайин бебақо фано –  
Ишқдан ўлар ишқсиз бандалар.

## УМРИМ

Умрим тугар бўлса, тагин ким билар,  
Кетиб қолар бўлсам сизга тўймасдан.

Узр, минг бор узр, о учқур йиллар,  
Севгимни сизга ҳеч бериб қўймасман.

Яшагум! Бахтиёр бўлмоқлик сири,

Кўрсатиб қўямиз ҳали даҳрга.

Не бахт бор шоирга ёзмоқдан шеърин,  
Қандай наф бойликка тўлган фақирга?

Билмасман, кўксимда қийналар санчиқ,

Умр келтирмайди бизни парвога.

Ўлсам, ўлмагайман, мен бир қизғанчиқ,

Ташлаб кетолмайман Сизни дунёга!

## ФАҚАТ СИЗ...

Мен севсам шоҳ бўлиб севаман, эркам,

Ҳеч ким бўлолмайди мендек асир ҳам.

Юрагим, кел ишққа тож бўлгил кўркам,

Вужуд бор, лозиммас нурли қаср ҳам.

Мен севсам, кўксимда абадий оғриқ,

Ўзимни қайга ҳам олиб қочарман.

Азобнинг илкида сўзсиз, бедовруқ,

Бош олиб яланғоч мунгни қучарман.

Мен севсам, Бахтга бир ини бўларман,  
Жаллод лаҳзалардан дил тилим-тилим.  
Мен севсам, севгининг хуни бўларман,  
Фақат сиз севмангиз мени, севгилим!

## ОҲ, ГУЛ ДИЛИМ

Кўзларимга етади кучим,  
Қўлларимга боғлайман кишан.  
Муҳаббатни юраман ичиб,  
Ҳузур қилиб ейман ишқтикан.

Оҳли, ёқут ҳаётимизга,  
Паноҳ сўраб ҳумо келадур!  
Биз учгаймиз, қанотимизга  
Яқин-яқин само келадур!

Вужуд билан ишим қолмади,  
Оҳ, гул дилим руҳимга пойтахт!  
Кўз илғамас ишқий кулбада  
Кўз ёради оғироёқ Бахт!

## ЙЎЛИМНИ ПОЙЛАЙДИ МУЪЖИЗА

Ўрганиб қолсайдим ўзинга,  
Яшолмай қолсайдинг менсиз ҳам.

Севгимизга армон исинса,  
Кўксимизда ёнса унсиз ғам.

Кўзимда ялтироқ умид бор,  
Алданган чиқмаин даҳрга.  
Бу севги мендан-да умидвор,  
Сени ҳам қилажак сеҳргар!

Тилимга қалқир сўз энтикиб,  
Дилбарим, бокирам, ожизам.  
Юракка меҳрдан тўн тикиб,  
Йўлимни пойлайди муъжиза.

Алҳол қалб анчайин эзилган,  
Жимгина юрибмиз тўнсиз ҳам.  
Лек бир кун ўргансам ўзинга,  
Яшолмай қоласан менсиз ҳам!

## ОППОҚҚИНА ҒАМ

Бари буткул ортда, азизам,  
Ўртадаги биргина хаёл.  
Қанотлари оппоққина ғам  
Ва маъюслик қолган, эҳтимол.

Руҳим ғариб тусини олар,  
Ўйлар – гуноҳ, қароқлар – ботил.  
Гўзалликни қўмсамай қолар,  
Ошиқлардай ураётган дил.

Ишқнинг басти бўлиб қоядай,  
Дунёларни тутаркан оҳим.  
Бошим олиб илож пойидан  
Мумкин яна ортга қайтмоғим!

## САМО УМИДИМДАЙ...

Ёмғир ёғиб чиқди туннинг бағрига,  
Халқоб кўйлагини кўтаролмас тонг.  
Шукур, анча тинди қалбим оғриғи,  
Қовжироқ дардимни тинглади осмон.

Яна ибодатга кечикди дунё,  
Фажр алмаштирар ҳўл либосини.  
Ясаниб, ўзига бермоқда оро,  
Тузатиб бошдаги тиллақошини.

Мен энди бу ердан кетмоғим тайин,  
Саҳройи кунларга соламиз ларза!  
Само умидимдай кетар кенгайиб,  
Кўнглимга сиғади фақат ҳеч нарса!  
Ёмғир ёғиб чиқди туннинг бағрига!

### САБРИМ ИШҚНИНГ БАҒРИГА БОТМИШ

Биз келганда йиғламас дунё,  
Биз кетганда қуёш кулмайди.  
Дил заминга бўлиб бепарво,  
Осмонга бўй бериб улғайди.

Сабрим ишқнинг бағрига ботди,  
Ҳақоратга кўмар шахсимни.  
Кенгликларга учдим-у кетдим  
Бошин узиб олиб нафсимнинг!

Шундоқ... фақат асти сўраманг,  
Заҳарламанг ич-у этимни.  
Мен ўзимни яхши кўраман,  
Ҳам севаман Ҳақиқатимни!

Биз келганда улғаяр дунё,  
Биз кетганда қуёш йиғлайди.  
Ерда қолса, дил мотамсаро,  
Осмонларга руҳ ҳам сиғмайди!

## МЕН ҚҰРҚМАЙ ЯШАЙМАН

Мен құрқмай яшайман, кунларим – ботир,  
Кучлидир осмонни кўзлаган хотир,  
Қушдек нигоҳимдан учган хавотир,  
Бир ишқнинг кўксида битмас жабрим бор...

Ўсаман, оҳ урган тунларим ёнар,  
Тонг бўлиб донг қотган йиллар уйғонар,  
Бизнинг-да кўнгиллар бўлар тўйхона,  
Ойнинг келгунича кундай сабрим бор.

Жон чексам, жонимнинг тиллари оғрир,  
Сўнгсиз истаклардан кенгаяр бағрим,  
Мен қўрқмай яшайман, шукрим, тангрим,  
Дунёнинг бурчида битта қабрим бор!

## ҚУРБОНЛИК

Секин кесиб олдим  
бошимдан бошлаб

Озгин қўллариму оёқларимни.  
Тилим ҳам атиги экан бир тишлам...  
Кўзларим тарк этди қабоқларимни.

Кўксимни иккига ажратдим шартта,  
Аъзоим қолмади тиғ тегмаган, тик.  
Шукур, умрим бўйи энди бир марта  
Ўзимдан орттириб қилдим қурбонлик.

Қурбим зиёфатга етмай, ноилож,  
Тарқалишди олиб кераклигини.  
Ё раб, теккани йўқ ҳеч битта муҳтож,  
Кўриб қонга ботган  
ЮРАКлигини.

## МЕНИ АФВ ЭТСИН

Мени афв этсин кўнгилбўш тупроқ,  
Кўчиб ўтмакдаман овора тошга.  
Минг йил ҳаёт қурсам – минг битта сўқмоқ,  
Йиқилсам, ким суяр ўлимдан бошқа?

Дунё – бир бошимга туғилган ғавго,  
Умрим – сокинликни қўмсаган сарсон.  
Ишқ – бу етиб бўлмас маънолар аро  
Мангу саодатга берилган имкон!

Демак, ҳали бунда яшамоқ мумкин,  
Севса бўлаверар осмонни бошдан.  
Тупроққа айланиб кетгунча токи,  
Мени кечиргайдир бегона тош ҳам!



## КҮНГИЛГА ИФОРЛИ БАҲОРЛАР БОРДИР

Мен гуноҳ қиламан ёлғиз ўзимга,  
Қутқара олмайди соддадил ҳаёт.  
Сендан қўрқмагайман, фақат кўзингга  
Тик ҳам қаролмайман иқтисодиёт.

Кўнгилга ифорли баҳорлар бордир,  
Замин, осмон олсин заҳматларингни.  
Бас, энди ҳеч кимга айтмайман, тақдир,  
Тиллари музлаган ҳасратларимни.

Ахир гуноҳ қилгум ёлғиз ўзимга,  
Иқтисод, сиёсат, тутмам барингни.  
Она, лабим боссам оппоқ изингга,  
Отам, қучиб ўлсам оёқларингни!

## ҚИШЛОҚ

Кўнгилни бузади ивиган тупроқ,  
Қуёшни унутган дарахтлар ухлар.  
Сувсиз ариқларнинг юмуши – кутмоқ,  
Кенгликлар кўради қўрқинчли тушлар.

Фалсафа тўқийди ўзича ҳар ким,  
Шукур, деб ул сахий осмонни мақтар.  
Совуқ кўсақлардан қолмайин фарқи  
Ҳўмрайиб қарайди бир чигит пахта.

## ДУНЁИМГА КЕРАК ФУҚАРО

Дунёимга керак фуқаро,  
Унга лойиқ эрур фақат сиз.  
Қайлардасиз о, зулфи қаро,  
Яшаш осон эмас тоқатсиз.

Дунёлари дунё эмас-эй,  
Кўзлаганим бўлғуси сароб.  
Айтай десам эмас-ку ёғий,  
Магар дўст ҳам бўлмас фуқаро

Қўлим узун эмас, тилимнинг,  
Ёқтиргани ёлғизгина “оҳ”.  
Бўлолмасман кучли, илмли,  
Мендан чиқар фақат ғамгин шоҳ!

Нега жимсиз, сиздан сўрагум,  
Чорлагайман маънос ишқ аро.  
Ахир эркин, покдир юрагим,  
Дунёимга керак фуқаро!

## ҚАБР БОШҚА, ЗИЁРАТ БОШҚА

Бутун элда кексалар бир, ёшлар бир,  
Хор этилган тупроқлар бир, тошлар бир,  
Юракдаги армону бардошлар бир,  
Меҳр бошқа, муҳаббат бошқа.

Афғон ерин қучган қора кўз,  
Уз ёрини кутган қора кўз,  
Бева бўлиб ўтган қора кўз,  
Сабр бошқа, садоқат бошқа.

Ёмонликни айладинг раво,  
Майли, ўзинг топмагин завол,  
Иншооллоҳ, кетмасман увол,  
Қаҳр бошқа, қабоҳат бошқа

Хатоларим ортиқдир менинг,  
Ибодатим қаттиқдир менинг,  
Гуноҳларга тортиқ қил мени,  
Қодир бошқа, башорат бошқа.

Армонларни хор қилиб кетай,  
Юрагимга зор қилиб кетай,  
Гуноҳимни орқалаб ўтай,  
Қабр бошқа, зиёрат бошқа!

## БЕВА

Худонинг биргина каломи билан,  
Отасиз туғилди Ййсо онадан.  
Сен Биби Марямнинг қайноқ меҳридан  
Қонмоқни истаркан, йиллаб ёнасан.

О. Бибим, вафонинг йўллари узун,  
Ўтинчим, сиз унга тилангиз тўзим,  
Эгилган бошини кўтармоқ учун  
Самодан тушсайди Худонинг сўзи!

## ГУЛ КЎНГИЛДАН

Гул кўнгилдан кетмамиш тўзим,  
Нафсининг минг хил ғавғоси надир?  
Ўн икки ой тўрт бўлди кўзим, —  
Бир йил кутдим Лайлат-ул қадр.

Қайта янги туғилди олам,  
Умримни оқ дуога чайдим.  
Эрта сари учдим хаёлан,  
Ҳар кунимга шукрона айтиб.

Шул фаждра ҳал бўлмиш умрим,  
Артилгайдир Йўл ғуборини.  
Зулжамолдан бир ҳаёт сўрдим...  
Кўргум пешонада борини.

Кўргум, учиб бораркан эрким,  
Жон кўрмаган мовий диёрга,  
Айтур: бир кун у ёқдан келдим,  
Кетгум яна Парвардигорга.

## ҲАЁТ

Ҳаёт, боқсам, ўзинг бир куй,  
мисол ёр-ёрга ўхшайсан,  
Эриб кул бўлмишам охир,  
очиқ мозорга ўхшайсан.

Сенга ким келмади сўнгинг  
кетишда тонг-ла сарғаймиш,  
Ўқулса ҳеч адоғи йўқ  
қаро ахборга ўхшайсан.

Ёшум ўттизга кетмишдир,  
танимга куч қўшилгай бот,  
Недин дерлар ичим тўлса,  
фақир беморга ўхшайсан.

Ўзимни нотавон кўргач  
сени дўстимга тенглатдим,  
Билинтирмай елиб  
кетмакдасан – ағёрга ўхшайсан.

Кўнгул кўзи билан кўрмак,  
эшитмак дил билан даркор,  
Демак, кун ўтмади бекор,  
агар бедорга ўхшайсан.

Бу олам сайри пойингда  
насибанг кўп узун бўлгай,  
Наҳот алдаб кетарсан, ваҳ,  
магар такрорга ўхшайсан.

## КЕЧИРИМ

Мен – асли ҳеч нима билмаган банда,  
Ақлимнинг сўнггида бор сўроқ белги.

Ҳаёт – у дунёга берилган фойда,  
Пешонангни ёриб яшамоқ – кулги...

Дунё, оқшомингда бўлмасин хатар,  
Қўрқиб тўлғонмасин сарсона тушлар.  
Тонгнинг қулоғидан тортиб уйғотар  
Деразам олдида шукурли қушлар.

Мен кетсам ярим бир кечда уйғониб,  
Серғалва умримнинг ғавғоси жимжит.  
Қарадим – ташвишлар кетмишдир ёниб,  
Сўрадим – кўнглимга тўкилди умид!

Кечир! Балки умрим йўлаклари тим,  
Юракка бир меҳр экканим сийрак.  
Оҳ, минг бор ўзингга юкиниб келдим,  
Фақат Сен истаган Жон бўлмадим, Ҳақ!

Мен – асли ҳеч нима билмаган банда,  
Ақлимнинг сўнггида бор сўроқ белги.

Ҳаёт – у дунёга берилган фойда,  
Пешонангни ёриб яшамоқ – кулги...

## МУҲАББАТНИ ТУҒИБ БЕР, АЁЛ!

Севги, сағир бағримга тўкил,  
Дунёнинг ғам ёмғири тинди.  
Ҳады қилдинг паҳлавон ўғил,  
Бир муҳаббат туғиб бер энди.

Бир муҳаббат... кўнгилга далда,  
Ўт тафтидан чекинсин зулмат!  
Мен нафратга эмасман банда,  
Тўлиб турган меҳрга қулман!

Қалбим, сенга очдим дунёни,  
Гар билмасанг, куйиб нетарман?  
Шу жаҳонга топиб имконин  
Ақал бир бахт бериб кетарман.

Севги, сағир бағримга тўкил,  
Кет, умримни куйдирган хаёл!  
Ул омонлик юртига вакил —  
Муҳаббатни туғиб бер, Аёл!

## САБР

Мен ютдим, ишқимни кўнглимда сақлаб,  
Нафратимни ҳеч кимса билмай,  
Жим яшадим ўзимни оқлаб,  
Ҳам ёт сўзни назарга илмай.

Мен ютдим,  
Қон бўлди юрагим гарчи,  
Соғинчим ҳам кетди болалаб,  
Лек умримни этмадим парча,  
Атрофимга қўймадим талаб.

Мен ютдим,  
Шукур деб шилинди тилим,  
Яна дилга ўтирди жабри,  
Ютқазишни билмаган иним –  
Пешонангдан ўпаман Сабрим.

## ХИЛВАТДА

Юрак сари келди бир хоҳиш,  
Нафсининг катта оғзи очилди.  
Бир фурсатда дунёга оқиш  
Бало уруғлари сочилди.

Кетиб қолди девона истак,  
Нафс ҳам кўзин юммоқни хоҳлар.  
Дил тўрида ҳайҳот, бирпасда  
Ўсиб чиқар оппоқ гуноҳлар.



## ИЗТИРОБ

Ҳали севишга ҳам улгурамиз, қалб,  
Елкада зор қақшаб турибди амал.  
Бахтлимиз кимнидир эта олсак жалб,  
Поклик дунёсини этаркан қамал.

Ўлик кўнгиллардан тирналар бағир,  
Дунё ерга ботар учгани сари.  
Бунчалик енгилтак бўлмаса ахир  
Суюлмаган суюк севгиллари.

Нетай, кўз ўнгимда ичмоққа ундар,  
Ҳаётнинг ниқобли ширин заҳари.  
Бизга куфр ёқар, биз азал шундай  
Йигирманчи аср бандачалари !

## ЭРК УЧУН

Қадр тилаб ўтар куним,  
Кўнглим ўсар ғурурдан.  
Ҳаёт қизир – гоҳо тиниб,  
Гоҳ чайқалиб турурман.

Зил кетмайди замин зимдан,  
Дунё бўлса ҳалол гар.  
Зурриётлар қувноқ, чиндан  
Бахтли яшар аёллар.

Писанд эмас амал тоғи,  
Ҳақни дея чиқар ун.  
Бошни баланд кўтармоғу  
Журъат керак ЭРК учун!

Суриб довул, қўриб чақин,  
Қўрқмай сира хатардан.  
Келдим,  
келгил, осмон яқин!  
Қанот бўлай Ватан ман!

## АҚАЛ СЕН...

Менинг кимлигимни билмайди ҳеч ким,  
Фақат паноҳ тилаб ўтади куним.  
Йиғлайман, ҳаётдан келади кечгим,  
Ҳайқиргум, фақат ҳеч чиқмайди уним.

Ёлғизлик, наҳотки сен ҳам бегона,  
Эй, менинг меҳрибон, шафқатли иним.  
Юрагим ягона, ўзим ягона,  
Ақал сен ёлғизлаб қўймагин мени!

## МЕН ЎША

Мен ўша...  
Мен ўша ёлғизлик,  
Паноҳи бўлолган дилдайман.  
Юраксиз, бечора, ҳолсиздек,  
Севиш-севмасимни билмайман.

Мен ўшаман, ғамнинг бўйлари,  
Вужудидан турган таралиб  
Ва истовчи: кўнгил кўйлаги  
Қолишини ишққа ўралиб!

Мен ўшаман!

## МЕНГА КУМУШ КЕРАК

Менга Кумуш керак, сенга Сиёвуш,  
Мозий, паноҳингга хаёллар кетур,  
Муҳаббат илкида қароллар кетур,  
Бугун хотиротдан бўлган фаромуш,  
Менга Кумуш қани, сенга Сиёвуш?

Кетдим, бу кунларда қолмади ҳаққим,  
Руҳимга илашур бўйи гулоблар,  
Қарайман, юракка Марғилон яқин,  
Қаро кўрсатмайди Афросиёблар.

Эрта ўрнимизга ҳаёллар келур,  
Ноз ила мунаввар ҳилоллар келур,  
Зор этган минг ишқи камоллар келур,  
Кўксида малоллар қотган яро қуш,  
Менга Кумуш келур,  
Сенга – Сиёвуш!

## ОНАЖОНИМГА

Термуламан сочларингга мен узоқ,  
Қора сочинг оралабди анча оқ.  
Наҳотки тушмаса бўлмагай мутлоқ,  
Нечун сочинг оқардийкин, Онажон?

Кўзларингда бир ўзгача меҳр бор,  
Сўзларингда душманларга қаҳр бор,  
Билгим келар бунга недир сабабкор,  
Нечун сочинг оқардийкин, Онажон?

Бевақт ўтди онанг юрагинг эзиб,  
Пешонангга барвақт чизиқлар чизиб,  
Кўзингга аччиқ ёш чиқдими чизиб,  
Нечун сочинг оқардийкин, Онажон?

Ўғиллар ўстирдинг, ўстирдинг қатор,  
Қизларинг ишингга келиб қолди кор,  
Наҳот дунё сенга бўлган бўлса тор,  
Нечун сочинг оқардийкин, Онажон?

Сени деб яшайман ёруғ оламда,  
Онажон, ҳеч қачон қўймагум ғамда,  
Ҳар толанг ўтли бир нидо Аъзамда  
Нечун сочинг оқардийкин, Онажон?

## МЕН БАХТЛИМАН

Мен бир оддий ўғилман юртга  
Амалларин сановчи ҳалол.  
Кимдир қиё боқмайин ўтган  
Ва кимдандир устун, эҳтимол.

Ғам кўролмас ёлғизлигимни,  
Дилни таъқиб айлаган ўша.  
Мен бахтлиман, бахтсизлигимни  
Атрофимга сездирмай яшаб!

## УЙҚУ

Бу гул нурни истар, мен эса танҳо  
Ухласам елкангга қўйиб бошимни.  
Биламан, бу қушлар эмасдир Анқо  
Ҳам бахтли қилолмас кўнгилдошимни.

Япроқлар зорланиб сўраб келар ишқ,  
Куз – ўша хор бўлган сабр фаллоҳи.  
Фақир кўзларимда ёнаётган ризқ –  
Нигоҳинг, нигоҳинг, нигоҳинг!

Нега пичирлайди золим ғаразлар,  
Бас, ухлай бошимни кўтармай буткул.  
Фақат қушлар учсин,  
Нурдан аразлаб  
Менинг суратимда қуриб қолма Гул!

Нелар демиш шарқираган сой,  
Ҳеч нарсани бўлмас эшитиб.  
Бунда шовқин эмас, ҳойнаҳой,  
Тебранади жимлик бешиги.

Қалбада хушбўй чечаклар унар,  
Тушкунлик ва Бахтдан бир боғлам.  
Оҳ, негадир мени тушунар  
Мағрур турган исмсиз тоғлар!

## ТУН

Шукур, тинди шовқин. Сукунат.  
Уй ортида зерикади Ой.  
Ухлаётир Ҳорғин уқубат,  
Титраётган Бахтдир, ҳойнаҳой.

Ён атрофда мудрайди девор,  
Босинқирар яланғоч тоқат.  
Ҳудудсиз бир Ватанни бедор,  
Қўрқиб-қўрқиб қўриқлар соат.

## СЕН ЙЎҚЛАБ КЕЛСАНГ

Кенгликларга қочгим келади,  
Майсаларни ётгим қучоқлаб.

Сирларимни очгим келади,  
Фақат ўзинг келганда йўқлаб!

Яна олам ёришиб кетар,  
Ҳижрон ўтга қоришиб кетар,  
Қалдирғочлар кўришиб ўтар,  
Фақат ўзинг келганда йўқлаб!

Қўшиқларим, куйларим бисёр,  
Сенга айтар ўйларим бисёр,  
Шавққа тўлиб гул тутар гулзор,  
Фақат ўзинг келганда йўқлаб!

Ён атрофда кеккайган чиркин  
Ситамларга етади кучим,  
Оҳ, баридан кечаман бир кун,  
Фақат йўқлаб турмоғинг учун!

## ҚУЁШ, СУВ ВА ТУПРОҚ

Яна ботиб кетди қуёшим,  
Шом – ҳаётнинг беҳисоб они.  
Тонг – бу асли марҳамат боши  
Ва шафқатли бўлмоқ имкони.

Мен ўзингга қайтай оқар сув,  
Шу қўлларим очилиб турсин.  
Саҳоватни қиларкан орзу  
Ўтгим келар саодат дарси.

Бошим ўсиб кўкками етди,  
Боқ, кетарда не кўрди япроқ?..  
Ҳар кунимдан тавозе кутдинг,  
Сендан жуда қарзим кўп тупроқ.

Умрим, бунча бўлмагин гирён,  
Гарчи бунда изтироб кўпроқ.  
Пешонага битилган дунё –  
Қуёш, сув ва тупроқ!  
Қуёш, сув ва тупроқ!



## БОЛАЛИКНИНГ СЎНГГИ КУНИ

Тортқилайди ҳаёт мени  
Армон тўла қўйнига.  
Осилволиб йиғлайман-эй  
Болаликнинг бўйнига.

Наҳот менга атагувчи  
Зарра меҳринг йўқмиди?  
Болалик, завқ қўзгатувчи  
Сен ўзингмас, ўқмиди?

Майли дўстим, майли алда,  
Изим қолган қишлоқни,  
Гар истасанг ўзга қалбда  
Юракдан гул термоқни.

Қўлларимдан ушлаб майли  
Адаштиргин боғларда.  
Суяйсанми лекин хавфли,  
Қайғу босган чоғларда?

Шавқ бергандинг сен илк дамда,  
Энди шуни олурсан.  
Лек сўнги дам пешонамда  
Ҳамдард бўлиб қолурсан!

## СЕВГИЛИМ

Нимага юрагинг оғрийди, гулим,  
Нимага юрагим оғрийди, дилим,  
Эзилган кўнглингнинг малҳами бўлай,  
О, менинг севгилим, менинг севгилим.

Олисда тоғларга чиқиб кетайми,  
Келишган, беозор оҳу сендайми,  
Қаро кўзларингни энди севмайми,  
О, менинг севгилим, менинг севгилим.

Сен келсанг азоблар бош олиб кетар,  
Ҳижрон ҳам кўзига ёш олиб кетар,  
Қувончим ёзланиб, қишланиб ўтар,  
О, менинг севгилим, менинг севгилим.

Нимага юрагинг оғрийди, гулим,  
Нимага юрагим оғрийди, дилим,  
Бемажол кўнглимнинг малҳами бўлгин,  
Кел, менинг севгилим, менинг севгилим!

## ОНА

Эшик очар, кирар фаришта,  
Меҳмон келиб қолар, эҳтимол.

Она уйни қилиб саришта,  
Ярқиратиб артиб қўяр пол.

Ўзи қари, сочлари оппоқ,  
Оғриганин айтмайди белин.

Уйда эса ухлайди узоқ  
Она бўлай деб қолган келин.

## БОКИРАМ ВАТАН

Мен дунёга келдим, эҳтимол,  
Бир қушчалик яшолмай ўтсам.  
Балки меҳрим келга-ю малол,  
Юз ўгиргай азизим, дўст ҳам.

Унут бўлар кўнгилгашта ғам,  
Ва беҳадик яшаганларим.  
Севолмайди балки муҳтарам,  
Бахтли-бахтли кечган онларим.

Олтин барглар тўсган дарчадан,  
Термуларман дунёга ҳолсиз.  
О, жаҳоним ойнапарчада  
Акс этарсан бир ўзинг ёлғиз.

Кунлар келар, пана-панадан,  
Кўнгил сари бошланар ҳужум.  
Мен яшарман, бокирам Ватан,  
Руҳ-ла сени севмоқлик учун!

## Мундарижа

Юрагимни чайиб олсам .....	3
Ташриф .....	3
Сир бўлиб .....	4
Қиёмат кўнглингга етишмиш .....	4
Юрт .....	5
Сезгум кўнглим ўрнида журъат .....	6
Кунлар .....	7
Кет, кўзимдан... ..	7
Бир қуш бор... ..	8
Балки чумолидай... ..	8
Бокира тушлар .....	9
Озор надир .....	9
Умрим .....	10
Фақат сиз... ..	10
Оҳ, гул дилим .....	11
Йўлимни пойлайди мўъжиза .....	12
Оппоққина ғам .....	13
Само умидимдай .....	13
Сабрим ишқнинг бағрига ботмиш .....	14
Мен қўрқмай яшайман .....	15
Қурбонлик .....	15
Мени афв этсин .....	16
Кўнглига ифорли баҳорлар бордир .....	17

Қишлоқ .....	17
Дунёимга керак фуқаро .....	18
Қабр бошқа, зиёрат бошқа .....	19
Бева .....	20
Гул кўнгилдан .....	20
Ҳаёт .....	21
Кечирим .....	22
Муҳаббатни туғиб бер, аёл! .....	23
Сабр .....	24
Хилватда .....	24
Изтироб .....	25
Эрк учун .....	25
Ақал сен... .....	26
Мен ўша... .....	26
Менга Кумуш керак .....	27
Онажонимга .....	28
Мен бахтлиман .....	29
Уйқу .....	29
«Нелар демиш...» .....	30
Тун .....	30
Сен йўқлаб келсанг .....	31
Қуёш, сув ва тупроқ .....	32
Болаликнинг сўнгги куни .....	33
Севгилим .....	34
Она .....	35
Бокирам Ватан .....	36

Адабий - бадиий нашр  
АЪЗАМ ОБИДОВ

**ЙЎЛИМНИ ПОЙЛАЙДИ МЎЪЖИЗА**  
*шеърлар*

*Муҳаррир* ЮСУФ МУЗАФФАР  
*Тех. муҳаррир* В. ДЕМЧЕНКО  
*Мусахҳиҳа* Н. ШОКИРОВА  
*Компьютер устаси* О. ЕЛИСЕЕВА

ИБ № 3439

Босишга рухсат этилди 23.03.2000 . Бичими 70x84 1/32.  
Босма тобоғи 0,75. Адади 1000 нусха. Баҳоси келишилган  
нархда. Буюртма № 33

«Қатортол-Камолот» нашриёт-ишлаб чиқариш корхона-  
си. 700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Ўзбекистон Ёшлари «Камолот» жамғармаси «Янги аср  
авлоди» нашриёт-матбаа маркази босмахонасида чоп этил-  
ди. 700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.